

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМЙ КЕНГАШ  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УТАЕВА ИРОДА БАХОДИРОВНА**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ГРАММАТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Утаева Ирода Баходировна**

Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг грамматик  
компетенцияларини ривожлантириш..... 3

**Утаева Ирода Баходировна**

Развитие грамматических компетентностей в процессе  
самостоятельного образования..... 21

**Utaeva Iroda Baxodirovna**

Development of student grammar competencies in the process of  
independent education..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УТАЕВА ИРОДА БАХОДИРОВНА**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ГРАММАТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Ped3050 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедова Лайло Толибжоновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ахмедова Нодира Мухторжоновна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс (+99871) 276-80-86.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc03/30.01.2020 Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида мустақил таълим асосида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантиришнинг креатив модули механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. АҚШ, Россия, Япония, Корея, Англия ва Германияда турли соҳа мутахассисларининг хорижий тилларда ўз касбий соҳаларида эркин мулоқот юрита олишлари, хорижий тилларни ўқитишни касбий компетенциялар орқали ривожлантириш, ўқув дастурлари уйғунлигини шакллантириш, йирик амалий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. “ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида “таълим олувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш, мулоқотда ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш” долзарб вазифа сифатида қаралмоқда”<sup>1</sup>.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида хорижий тил асосида грамматик компетенцияларни такомиллаштириш, ўқитиш жараёнида мустақил билим олиш фаолиятларини ривожлантириш, талабаларда грамматик тушунчаларни, уларнинг касбий фаоллиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш, ўқитувчи ва талабалар ўртасида коммуникатив муносабатларни такомиллаштириш, грамматик тушунчаларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг мустақил билим олиш моделини такомиллаштириш, мустақил билим олиш фаолиятининг мазмуни, шакллари ва воситаларини аниқлаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда сўнги йилларда ахборот муҳитини кенг жорий қилиш, талабаларда эркин ва мустақил фикрлаш, ижтимоий фаоллик каби сифатларни ривожлантириш, хорижий тилларни ўзлаштирган, мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтиришга қаратилган меъёрий хужжатлар яратилмоқда. “Тил ўрганишни хоҳловчи талабалар учун олий таълим муассасаларида мулоқот даражасида тил ўргатиш бўйича интенсив курслар фаолиятини йўлга қўйиш”<sup>2</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада грамматик саводхонликни билиш даражасини ошириш асосида чет тилини ўргатишни такомиллаштириш шарт-шароитлар яратиш бўйича тадқиқотларнинг педагогик имкониятлари кенгайтирилади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-

<sup>1</sup> Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 May, 2015, Incheon, Republic of Korea). 6 p. 26 p.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги йилдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори

тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5117-сон қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-610-сон, 2019 йил 19 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-606-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш бўйича Ю.Н.Абдуллаева, Л.Т.Ахмедова, А.Абдуазизов, Ж.Ж.Жалолов, Г.Н.Ирмухаммедова, Г.Т.Маҳкамова, С.А.Мисиров, Т.К.Сатторов, И.М.Тўхтасинов, Д.У.Хашимова; олий таълим муассасаларида таълимни жадаллаштириш ва ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш масалаларида А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Джўраев, мустақил таълимнинг ташкилий ва методик асослари борасида П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, Р.Р.Хусаинов, Р.К.Чориев, О.А. Қўйсинавлар тадқиқот олиб боришган.

Чет тилларни ўқитиш жараёнида педагогик кадрлар, яъни чет тили ўқитувчиларининг инновация педагогик фаолиятини ташкил қилиш, талабаларни инглиз тили грамматикасига ўргатиш, инглиз тилини ўрганиш жараёнида таҳсил олувчиларда маданиятшуносликка оид компетенцияларни шакллантириш масалалари В.И.Андреев, И.Бим, Н.Д.Гальскова, Б.П.Есипов, А.А.Миролюбов, Н.Ф.Тализина, А.З.Усова, С.В.Федорова, И.Яковлеваларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Хорижий тилларни ўқитишда мустақил таълим кўникмалари ва грамматик компетенцияларни ўргатишнинг таълимдаги роли, ўрни ва амалий аҳамиятига оид масалалар хорижий тадқиқотчилардан M.Byram, D.Clark, D.Coste, B.Dodge, G.Diana, N.Jackson, M.Lewis, T.March, B.Tomlinsonларнинг илмий ишларида алоҳида эътибор берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университетининг илмий режасига мувофиқ А-1-26 ракамли “Узлуксиз таълим тизимида фанларни ўқитишнинг ғоя ва тушунчаларини шакллантириш асосида такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** мустақил таълим жараёнида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз тили дарсларида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик имкониятларини таҳлил этиш;

талабаларнинг мустақил таълим жараёнида грамматик компетенциялар мазмуни моделини такомиллаштириш;

талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, инглиз тили грамматикасини мустақил ўрганишнинг педагогик шароитларини аниқлаш;

мустақил таълим жараёнида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мустақил таълим жараёнида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Гулистон давлат университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети таълим муассасаларининг “Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)” йўналиши талабаларидан 502 нафари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** мустақил билим олиш жараёнида талабаларнинг грамматик компетенцияларини шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат, тест), педагогик тажриба-синов, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг грамматик компетенциялари ёзма матнларнинг синтактик жиҳати ҳамда дидактик имкониятларининг ягона мураккаб ҳаракатига ҳамда устувор фаол омилларнинг педагогик жараённинг ривожлантирувчи таъсирига мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг мустақил нутқий фаолияти шахс онгида мавжуд бўлган грамматик қоидалар мазмунини синхрон тарзда бошқа шахсларнинг ҳаракатларига репрезентатив киритиш ҳамда ижодий-дидактик топшириқларни трансформациялаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг грамматик тил фаоллиги даражаси грамматик компетенцияларни умумлаштириш ва босқичма-босқич ўзлаштириладиган субъект-субъект кўринишидаги ўзаро муносабатлар ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришнинг қиймат-семантик усулини киритиш орқали такомиллаштирилган;

талабалар мустақил билими чет тилларини ўқитишда рағбатлантирувчи-ривожлантирувчи шахсий кўникмалари муаммоли топшириқлар бажариш ҳамда уларнинг мантиқий-маъноли контекстини тушунишга қаратилган эвристик машқларни киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)” таълим йўналиши талабаларининг ўқув грамматик тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида мустақил билим олиш фаолиятини ривожлантириш механизмлари такомиллаштирилган;

компетенциявий, мотивацион ва интегратив ёндашувга асосланган ҳолда “Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)” таълим йўналиши I-босқич талабалари учун “Тил аспекти амалиёти” фанидан ўқув қўлланма тайёрланган;

тақдим этилган тадқиқот материаллари ва услубий тавсиялар олий таълим муассасаси талабалари ва ўқитувчилари, ўқитувчилар малакасини ошириш тизимидаги мутахассислар, дарслик ва амалий тавсияларни, грамматик тушунчаларни ўзлаштиришда ўқитиш самарадорлигини ошириш, талаба ва талабаларнинг мустақил билим олиш ва ўз-ўзини ривожлантириш ишлаб чиқиш жараёнида услубиятчилар томонидан дидактика курсларини бойитиш, умумий педагогика ва хусусий ўқитиш услубиятида ишлатилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашувлар ва усуллар, фойдаланилган назарий ва амалий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, аналитик ва экспериментал ишланмаларнинг самарадорлиги математик-статистик методлари ёрдамида асослангани ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мустақил таълим асосида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш, халқаро илғор тажрибалар, инглиз тилини ўқитиш моҳияти, мазмуни ва инновацион таълим технологиялари такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олий таълим муассасаларининг “Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)” таълим йўналиши учун ўқув дастурлари мазмуни тадқиқот натижалари асосида такомиллаштирилгани, бакалаврият таълим йўналишлари учун “Тил аспекти амалиёти” фанидан ўқув қўлланма яратишда фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш натижалари:

талабаларнинг грамматик компетенциялари ёзма матнларнинг синтактик жиҳати ҳамда дидактик имкониятларининг ягона мураккаб ҳаракатига ҳамда устувор фаол омилларнинг педагогик жараённинг ривожлантирувчи таъсирига мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир маълумотлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 10 ноябрдаги 02-07-3516/04 рақамли далолатномаси). Натижада тил ўрганиш истагида бўлган

талабаларнинг мустақил таълим жараёнида грамматик саводхонлигини ўсишига хизмат қилган;

талабаларнинг мустақил нутқий фаолияти шахс онгида мавжуд бўлган грамматик қоидалар мазмунини синхрон тарзда бошқа шахсларнинг ҳаракатларига репрезентатив киритиш ҳамда ижодий-дидактик топшириқларни трансформациялаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “English” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи билан тасдиқланган 237-333-сон нашр рухсатномаси). Натижада, талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантиришга ва нутқий мулоқотга киришиш имкониятини оширишга хизмат қилган;

талабаларнинг грамматик тил фаоллиги даражаси грамматик компетенцияларни умумлаштириш ва босқичма-босқич ўзлаштириладиган субъект-субъект кўринишидаги ўзаро муносабатлар ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришнинг қиймат-семантик усулини киритиш орқали такомиллаштиришга доир тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 10 ноябрдаги 02-07-3516/04 рақамли далолатномаси). Натижада, талабаларнинг мустақил таълим жараёнида грамматикани ўрганиш орқали нутқ кўникмалари ривожланишига хизмат қилган;

талабалар мустақил билими чет тилларини ўқитишда рағбатлантирувчи-ривожлантирувчи шахсий кўникмалари муаммоли топшириқлар бажариш ҳамда уларнинг мантиқий-маъноли контекстини тушунишга қаратилган эвристик машқларни киритиш асосида такомиллаштиришга доир тавсиялар асосида “English” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи билан тасдиқланган 237-333-сон нашр рухсатномаси). Натижада, талабаларнинг қизиқишлари ва ижтимоий-коммуникатив, ўқув фаолияти ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 республика ва 7 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 3 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар берилган.

Диссертациянинг **“Мустақил таълим асосида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда ўқитиш жараёнида мустақил билим олиш фаолияти дидактик муаммо сифатида, талабаларнинг мустақил ўзлаштириш жараёнида грамматик тушунчаларнинг ривожланиши, ўқув грамматик тушунчаларини ўзлаштиришида талабаларнинг мустақил билим олиши фаолиятининг аҳамияти баён қилинган.

Тадқиқотчи Ф.Назарованинг фикрича, хорижий тилни ўрганиш жараёнида кўпчилик гапириш ёки ўқишни ўрганиш билан чекланиб қолади. Аммо оғзаки нутқ амалиёти учун коммуникатив грамматика ва коммуникатив лексиканинг ҳам муҳим ўрни борлигини англаб етиши лозим. Сўз шаклини англаш, уни бошқа сўзлар билан бириктириб тугал фикр англатадиган гаплар яшаш, шунингдек, фикрни тинглаб ва ўқиб тушуниш, грамматик кўникма ва малакаларни эгаллашни талаб қилади. Методик адабиётларда бу жараён грамматик механизмни эгаллаш, ўзлаштириш, грамматик малакалар шакллантириш, билимларни эгаллаш, грамматик ҳаракатни ўзлаштириш каби кўплаб атамалар билан аталадики, назаримизда уларнинг барчасини ўрнига биргина грамматик компетенцияни шакллантириш атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, грамматик воситалардан оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида эркин фойдалана олишни, шунингдек, тинглаб тушунилган ва ўқилган нутқдаги грамматик белгиларни тўғри фарқлай олиш даражасини англатади. Қатор хориж олимлари чет тилини ўқитиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Масалан, Mauckl Вауған маданиятлараро тилларни ўрганиш ва ўқитиш бўйича изланишлар олиб борган.

Тадқиқот ишида талабаларнинг мустақил таълим жараёнини самарали ташкил этиш бўйича изланиш олиб борилган бўлиб қатор илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Б.Л.Есипов мустақил ишни ташкил этиш муаммосини тадқиқ қилган бўлиб, у бу тушунчани қуйидагича белгилайди: “Талабаларнинг ўқув жараёнига киритилган мустақил ишлари шундай ишки, у ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, лекин унинг йўналтиришига кўра маълум вақт ичида бажарилади”

Олий таълим муассасаларида фанлардан мустақил таълимни ташкил этишда, уларнинг, биринчи навбатда, ҳисобга олинадиган хусусиятларини ажратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай хусусиятлардан бири талабанинг ўзлаштириш (билиш) жараёни сифати билан (масалан, қобиляти), иккинчиси,

унинг ҳаракати билан боғлиқ (масалан, қизиқиши) ва бошқалар. Шу сабабли, “Инглиз тили грамматикаси”ни ўргатиш учун ишлаб чиқилган мустақил таълимга оид топшириқларни бажаришда талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлари муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда, олий таълим ислоҳоти таълимнинг ўргатиш парадигмаларидан мустақил таълим олиш парадигмасига ўтиш билан боғлиқ. Шу муносабат билан, талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш ўқув жараёнининг асоси бўлишини эътироф этиш лозим. Мустақил таълим усули талабалар ўқув фаолиятини ривожланишида асосий роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, талабаларнинг билим фаолияти (таълим, тадқиқот ва амалий) асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши керак. Бундан ташқари, мустақил таълим жараёнига қуйидагича ёндашилди: ўқитиш усули, ўқув фаолияти тури, билим олиш фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш воситаси.

Мустақил иш жараёнида мустақил фаолиятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги мустақил билим олиш даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин: репродуктив мустақиллик (асосий ўрганиш ҳаракатлари, операциялар ва ҳаракатларнинг намуналарини ўзлаштириш, уларни шу каби материалга кўчиришни ўрганиш); продуктив-ўзгарувчан мустақиллик (ақлий танлаш ва амалда бир билим муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган усуллари, техникаси ва кўникмаларини қайта ишлаш қобилияти); креатив мустақиллик (талаба тажрибасида илгари учрамаган билим олиш ҳаракатларини яратиш учун билим олиш фаолиятининг ўзлаштирилган “техникаси”дан ўрганилганлардан фойдалана олиш).

Талабаларнинг мустақил таълим самарадорлигига қуйидагилар орқали эришилади: талаба томонидан шахсга йўналтирилган билиш усуллари тўпламини қўллаш; онгли равишда намоён бўладиган когнитив фаолиятнинг юқори даражаси; асосий таълим вазифаларини ҳал қилишда автономия ва субъективлик (таълим мақсадини танлаш, билим манбасини танлаш, таълим маконида ривожланиш суръатларини танлаш ва бошқалар); ўз-ўзини ўрганишнинг ривожланаётган табиати (синергетик ёндашув).

Тил ва тилдан ташқари лингвистик омиллар таъсирига мойил бўлган тилнинг лексик тузилиши фарқли ўлароқ, тилнинг грамматик тизими мустақам барқарорлиги билан ажралиб туради, шунинг учун уни кўп ҳолларда тил марказига, лексик тузилишни эса, тил перифериясига киритишади. Грамматика ушбу ҳолатда марказий ўрнини эгаллайди.

Грамматик компонент чет тилининг коммуникатив компетенциясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Грамматик материални ўзлаштириш натижаси ҳам чет тилида тез гаплар тузиш маҳоратидир.

Чет тилининг грамматик тузилмаларини аниқ тушунмаслик чет тилида сўзлашувчи одамни тасодифий ҳаракат қилишга мажбур қилади, бу нафақат кўп сонли хатоларни келтириб чиқаради, балки нутқ тезлигини сезиларли даражада секинлаштиради ва бу равон нутқ, замонавий тушунчаларга кўра,

юқори даражадаги коммуникатив компетенциянинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқитувчилар коммуникатив материални маълум даражада грамматик материал билан боғлаши мумкин бўлган тарзда танлаш керак. Бу грамматикага оид ишларни янада тизимли қилади ва мулоқот жараёнига грамматик конструкцияларни органик тарзда киритишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Мустақил таълим асосида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш дидактик тизими”** деб номланган иккинчи хорижий тилнинг грамматик тушунчаларини ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятининг мазмуни, шакллари ва усуллари, ўқув грамматик тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг мустақил билим олишлари ривожланишининг амалий модели, грамматик компетенцияларни ўргатишни такомиллаштиришнинг инновация технологиялари баён қилинган.

Грамматика тил ўргатишда, хусусан, инглиз тилини чет тили (EFL) ва иккинчи тил сифатида ўрганишда (ESL) ўз ўрнига эга. Грамматика бўйича яхши маълумотга эга бўлмаслик, талабаларнинг тил ривожланишини жиддий равишда чеклайди. Амалда грамматикани ўргатишда талабаларга одатда гап қолиплари деб номланувчи тил қоидалари ўргатилади.

Грамматикани ўргатишда пировард натижада, грамматик элементлар ёки гап қолипларидан тўғри фойдаланишга эътибор қаратилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, грамматикани ўргатиш тил тузилиши ёки жумла шакллари, маъно ва фойдаланишни ўз ичига олиши керак.

Бундан ташқари, грамматика тил кўникмалари тўплами учун асос бўлиб хизмат қилади: тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш. Тинглаш ва гапиришда грамматика оғзаки тилни (масалан, ибораларни) тушуниш ва ифодалашда ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки тил грамматикасини ўрганиш тилда грамматик жиҳатдан мақбул ибораларни яратиш қобилятига эга бўлиш учун зарур деб ҳисобланади.

Тадқиқотда чет тилининг грамматик тушунчаларини ўзлаштиришда мустақил билим олишнинг асосий дидактик вазифасидан келиб чиқиб, ўқитувчи фаолиятининг стратегияси қуйидагича белгиланган: чет тилини ўрганаётган талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини рағбатлантириш. Талаба белгиланган билим ва кўникмаларни эгаллашнинг муҳимлиги ва зарурлигига муайян мотивацион муносабат, қизиқиш ва ишончга эга бўлиши керак. Мотивация ўқув фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги билан узвий боғлиқ, шунинг учун талаба фаолиятнинг мақсадларига, яъни у белгиланган вақт давомида ушбу фанни ўрганиш жараёнида эришиш лозим бўлган якуний натижага баҳо бериши керак. Умуман олганда, ўқув-ўрганиш вазифаси таълим мазмунининг энг муҳим элементи эканлигини айтиб ўтиш мумкин, чунки у бутун таълим жараёнини доимий равишда бирга олиб боради ва сезиларли даражада тўлдиради. Талабаларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув фаолиятида уларнинг ташкилий кўникмаларини ривожлантиришда ўқитувчи

томонидан ёрдам кўрсатилиши (вақт бюджети, мустақил иш усуллари, кўрсатма-ёднома, услубий кўрсатма ва тавсиялар ва ҳ.к.); талабаларнинг шахсга йўналтирилган тайёргарлигини ташкил этиш лозим. Чунки таълимнинг пировард мақсади – бўлажак мутахассис, яъни талаба шахси ҳисобланади. Ўқув фаолияти шахс ўзини намоён қилиши мумкин бўлган, унинг ўз-ўзини ривожлантириш, “ўз-ўзини қуриш” жараёни амалга ошириладиган муҳит.


Чет тилини ўрганиш соҳасида мустақил иш шароитида талабанинг шахсий соҳасига таъсири ривожланиш ҳолати билан таъминланиши мумкин. Мустақил таълим жараёнининг самарали ўқув фаолияти учун белгилаб берувчи хусусиятлари қуйидагилардир: талабанинг шахс сифатида ўзлигини белгилаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун ҳақиқий шарт-шароитларни яратиш; талаба учун шахсий аҳамиятга эга бўлган контекстни самарали фаолият учун моделлаштириш; нутқ алоқаси маҳсули сифатида тилнинг ўзи ва матннинг муаммоли табиатидан фойдаланган ҳолда “излаш учун” муаммоли ижодий вазифани шакллантириш (маъно ва маънони талқин қилишнинг ва реализация қилишнинг муаммолилиги); таълим фаолиятининг рефлексив ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини бошқариш учун шароит яратиш; таълим фаолиятининг барча субъектларини ҳамкорликга жалб қилиш.

Маълумки, биринчидан ҳақиқий мулоқот инсоннинг ҳақиқий билимлари, фикрлари ва истакларини, шунингдек, ҳокимият, куч, роль муносабатлари ва хушмуомалалик муносабатлари каби ижтимоий шароитларни ўз ичига олади.

Иккинчидан, хорижий тилларда замонавий таълимнинг ривожланаётган (когнитив) жиҳати талабанинг шахсиятининг ўзаро боғлиқ коммуникатив ва ижтимоий-маданий шаклланиши билан боғлиқ.

Учинчидан, талаба интеллектуал (фикрловчи) ва автоном (мустақил равишда) фаол шахс сифатида тушунилади. Унинг нутқ фаолияти умумий, доимий ўзгарувчан нутқ тажрибаси (она тилида ҳам), шунингдек, ўрганилаётган тилни ўрганиш ва мулоқот қилишдаги шахсий индивидуал тажрибаси таъсирида бўлади.

Мустақил таълим олишга ундовчи хусусиятлар мустақиллик, фаоллик, қизиқувчанлик ва креативлик талабанинг мустақил ишлашга ва келажакда етук мутахассис бўлиб ишлашга ундовчи жиҳатлардир (1-расмга қаранг).




**1-расм. Мустақил таълим олишга ундовчи хусусиятлар**

Талабаларнинг мустақил ўқув-билим олиш фаолияти илмий тушунчаларни ўзлаштиришнинг зарурий шартидир. Тушунча фикрлаш билан боғлиқ ва диалектик характерга эга бўлгани учун, фаол билим олиш фаолиятисиз ўзлаштириб бўлмайди. Ўқитувчи талабаларда шакллантирилаётган тушунчаларнинг мазмунини, тушунчани ўзлаштиришга қўйиладиган талабларни ва уни шакллантиришнинг асосий босқичларини билиши зарур. Талабаларнинг тушунчаларни ўзлаштириш жараёни шахсийдир, бу эса, ўқитувчидан талабанинг индивидуал-типологик хусусиятларини ҳисобга олишга, унга ўқув фаолиятининг мақбул услубини топишга эътибор қаратишни талаб этади. Тушунчаларни муваффақиятли ўзлаштиришга кўмаклашувчи усуллар орасида муҳим бўлмаган хусусиятларнинг ўзгариши, таниб олиш ҳаракатини ўргатиш, оқибатларни аниқлаш ва бошқалар мавжуд.

Шунингдек, педагогик жараёни бошқариш босқичлари методологик ёндашувлар, яъни фаолиятли ёндашувда талабанинг ўз-ўзини аниқлаш муаммоси олдинга чиқади, компетенциявий ёндашувда эса, талабанинг билими ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш, кўникма ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш, малака ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилишни белгилайди. Бундан ташқари, грамматик компетенция ривожланишининг методик асослари мазмун (ДТС, малака талаблари), шакл (грамматика, мустақил таълим, тинглаб тушуниш, гапириш, ёзув ва ўқиш), методлар (анъанавий ва ноанъанавий), воситалар (матнли воситалар, тасвирли воситалар, ёрдамчи воситалар) зарурий асосидир. Мустақил таълим жараёнида грамматик компетенцияларни ривожлантирувчи инновацион технологиялар (инсерт, синквейн, ақлий ҳужум, венн диаграммаси, музёрап технологияси) тажриба-синов жараёнида қўлланилган ва ўз самарадорлигини кўрсатган. Бундан ташқари, ҳамкорлик, дизайн услублари, гуруҳ бўлиб янги ахборот технологияларидан ўқитиш каби замонавий педагогик технологиялар, янги ахборот технологияларидан фойдаланганлик, болаларнинг қобилиятини, малакасини ҳисобга олган ҳолда, улардан индивидуал таълимни ва ўрганишни режалаштириш, уларни ўқитиш ва ўқишни тақсимлашни амалга оширишга, уларнинг ўқитиш даражасини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашувни амалга оширишга ёрдам беради.

Талабаларнинг мустақил фаолияти қуйдаги белгиларга эга: мустақил фикр юритиш ва унга интилиш; ҳар қандай шарт-шароитда ёки вазиятларда бажариладиган иш объектини аниқлай олиш; янги вазифаларни хал этишда ўз ёндашувини амалга ошира олиш; эгалланиши лозим бўлган билимларни нафақат тушунишни, ўрганишни исташ, балки ушбу билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришнинг тез, самарали усуллари излаб топиш; бажарилган ишларни таҳлил қилишда танқидий ёндашув; ўз ғоя ва қарорларининг эркинлиги.

Тадқиқот иши давомида мустақил таълим жараёнида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш модели такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).



**1-расм Муस्ताқил таълим жараёнида грамматик компетенцияни ривожлантирувчи амалий модель**

Модел мақсад, жараён ва натижавий блоклардан иборат. Шунингдек, ижтимоий буюртма, мақсад, мустақил таълим олишга ундовчи хусусиятлар, методологик ёндашувлар, грамматик компетенциянинг ривожланишнинг методик асослари, грамматик компетенцияни ривожлантирувчи технологиялар, баҳолаш мезонлари, натижани кўрсатувчи компонентлардан иборат.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг мазмуни ва ўтказиш босқичлари, педагогик тажриба-синов ишлари ва уларнинг статистик таҳлили баён қилинган.

Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг грамматик тушунчаларини ўзлаштиришини такомиллаштириш юзасидан диссертация ишлари уч босқичда ташкил этилди. Таъкидловчи (диагностика) тажриба-синов ишлари, шакллантирувчи ҳамда баҳолаш (назорат) тажриба-синов ишлари юзасидан ташкил этилди. Тажриба-синов ишлари 2018-2021 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилиб, унга 502 нафар респондент жалб этилди. Тадқиқотнинг асосий тажриба-синов ишлари Гулистон давлат университети, Самарқанд давлат университети ҳамда Тошкент давлат педагогика университетиди ўтказилди. Тажриба-синов ишлари учта асосий босқични ўз ичига олди: диагностика, шакллантириш ва назорат.

Биринчи, диагностика тажриба босқичида талабалар билим фаоллигининг дастлабки ҳолати ташхис қилинди, чет тили грамматикаси талабаларнинг билим даражаси баҳоланди ва чет тилини ўрганишга туртки даражаси аниқланди. “Тил аспекти амалиёти” ва “Мустақил таълим кўникмалари” фанлари I-босқичда ўзлаштирилишини инобатга олган ҳолда, тажриба-синов ишлари белгиланган тажриба майдонларида ўтказилди.

“Тил аспекти амалиёти”, “Мустақил таълим кўникмалари” фанлари бўйича талабалар учун инглиз тилидан тест синовлари, грамматик қоидалар бўйича, турли хил мавзуларда машқлар олиб борилди, олиб борилган суҳбатда уларнинг касбий тайёргарлигига тўсиқ бўлаётган омиллар (предлоглар билан келадиган фразаларни эслаб қололмаслик, гапиришдаги грамматик хатолар, ёзишдаги грамматик хатолар ва бошқалар) аниқланди.

Шакллантирувчи тажриба-синов босқичида ушбу омилларни бартараф этувчи янги педагогик технологияларни қўллаб, тажриба гуруҳларда дарс жараёнлари олиб борилди, бундан ташқари, бўлажак ўқитувчилар нутқ кўникмаларини қўллашда грамматикани билиш даражаси аниқланди, “Тил аспекти амалиёти” фани доирасида ўқув қўлланма ва ОТМда талабаларнинг грамматик компетенцияларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида интерактив машқлар тизими яратилди. Учинчи босқичда назорат ва тажриба ўтказиш учун танлаб олинган гуруҳларда мустақил билим фаолияти даражасини белгиловчи назорат синови амалга оширилди (1-жадвалга қаранг). Тажриба-синов ишларининг баҳолаш босқичида тадқиқотнинг асосий муаммолари аниқлади.


1-жадвал

**Олий таълим муассасалари талабаларини мустақил таълим жараёнида грамматик компетенцияларини ривожлантириш тушунчасига бўлган фикрлари учун анкета сўровнома натижалари**


ОТМ ва иштирок этган талабалар сони		Ҳа		Йук		Ўйлантириб қўйди	
		сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да
ТДПУ	197	52	26,4%	115	58,4%	30	15,2%
ГулДУ	149	45	30,2%	85	57,0%	19	12,8%
СамДУ	156	46	29,5%	88	56,4%	22	14,1%
жами	502	143	28,5%	288	57,4%	71	14,1%

Бундан ташқари, “Мустақил таълим кўникмалари”, “Тил аспекти амалиёти” модуллари сифатини такомиллаштириш ва мустақил таълимдан билим кўникма ва малакаларини аниқлаш ва шакллантириш мақсадида, талабалар учун инглиз тилидан турли хил вазиятлар тақдим этилган: мақолалар, мавзулар бўйича чиқишлар ишлаб чиқилди. Амалиёт, назария бўйича турли муаммоларни таққослаш (масалан, “Мустақил таълим” ва “Анъанавий таълим” имкониятларини қиёсланди); муаммоли вазиятлар юзасидан баҳс-мунозараларни тайёрлаш (танқидий фикр билдириш асосида инглиз тилидаги матнлар билан ишланди; берилган мавзуда инглиз тилида иншо ёзилди; инглиз тилидаги манбалардан матн парчаларини ўзлаштирилди); инглиз тилидаги маълум вазиятлар таҳлили (At the doctor); турли хил вазиятлар бўйича тажриба-синов натижалари ўтказилди ва таҳлил қилинди; бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг касбий фаолияти босқичларини лойиҳалаштиришда (масалан, “What do you want from university” мавзусида ролли ўйин).

Тажриба-синов ишларида ўтказилган тажриба ишларининг самарадорлигини исботлаш мақсадида математик-статистик усулларидан Студент критериясидан фойдаланилди. Талабаларнинг грамматик компетенцияларининг ривожлантириш даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижавийлиги статистик методлар орқали таҳлил қилиниб, уларнинг самарадорлиги 1.15-1.17 баробарга ошганлиги аниқланди (3-расмга қаранг).



**3-расм.Тажриба-синов натижаларининг ўртача қиймат диаграммаси**



**3.4-расм.Тажриба-синов натижаларининг самарадорлик диаграммаси**

Ушбу жадваллар ва диаграммалардан самарадорлик кўрсаткичи тажриба гуруҳида нозорат гуруҳига нисбатан 1,15 баробарга юқори эканлиги кўриниб турибди. Бу эса, юқоридаги хулосамиз тўғри эканлигини исботланди.

## ХУЛОСАЛАР

Тадқиқотларимиз таҳлили асосида ўқитишнинг тизимли ва мустақиллик тамойилларига мувофиқ, талабалар томонидан тушунчаларни муваффақиятли ўзлаштиришлари учун зарур бўлган қуйидаги асосий шарт-шароитлар ажратиб кўрсатилган:

1.Тушунчаларни ўзлаштириш жараёни шаклланиш ва ривожланишнинг барча босқичларида фаол кечиши, шу ўрганилган тушунчалар доимо амалда қўлланилиши, ўқитувчи шакллантирилаётган тушунчаларнинг мазмунини,

тушунчани ўзлаштиришга қўйиладиган талабларни ва уни шакллантиришнинг асосий босқичларини билиши зарурлиги аниқланган.

2. Тушунчаларни муваффақиятли ўзлаштиришга кўмаклашувчи усуллар орасида муҳим бўлмаган хусусиятларнинг ўзгариши, таниб олиш ҳаракатини ўргатиш, оқибатларни аниқлаш, тушунчани шакллантириш усули ва мазмуни, талабаларнинг умумий ривожланиш даражаси, аввалги тажрибаси ва билим миқдорига қараб белгиланиши аниқланган.

3. Грамматикани ўқитишнинг иккита асосий усули кўриб чиқилган дедуктив ва индуктив усуллари ёритилди, бунда янги грамматик қоида берилади, талабалар эса, коммуникатив йўналтирилган вазиятларда янги тузилмаларни ишлаб чиқиши умумий қоидалардан хусусийга ҳаракатга ўтиши ва ўқитишда индуктив методдан фойдаланганда талабалар қоидани ўзлари тузадилар грамматик ҳодисаларни бирликдан умумийгача ўрганишлари муҳокама қилинган. Бундан ташқари, грамматика тил кўникмалари тўплами асос бўлиб хизмат қилади, шакллари ҳам ўрганилган: тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш. Тинглаш ва гапиришда грамматика оғзаки тилни яъни ибораларни тушуниш ва ифодалашда ҳал қилувчи рол ўйнайди, чунки тил грамматикасини ўрганиш тилда грамматик жиҳатдан мақбул ибораларни яратиш қобилиятига эга бўлиш зарурлиги белгиланган.

4. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсадидан қафолатланган, натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқлиги, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олиши, ўқув жараёнида бўлажак ўқитувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижобий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса, уларга баҳо бера олиши ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ўрганилган.

5. Талабаларнинг грамматик компетенциялари ёзма матнларнинг синтактик жиҳати ҳамда дидактик имкониятларининг ягона мураккаб ҳаракатига ҳамда устувор фаол омилларнинг педагогик жараённинг ривожлантирувчи таъсирига мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

6. Талабаларнинг мустақил нутқий фаолияти шахс онгида мавжуд бўлган грамматик қоидалар мазмунини синхрон тарзда бошқа шахсларнинг ҳаракатларига репрезентатив киритиш ҳамда ижодий-дидактик топшириқларни трансформациялаш асосида такомиллаштирилган.

7. Талабаларнинг грамматик тил фаоллиги даражаси грамматик компетенцияларни умумлаштириш ва босқичма-босқич ўзлаштириладиган субъект-субъект кўринишидаги ўзаро муносабатлар ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришнинг қиймат-семантик усулини киритиш орқали такомиллаштирилган.

8. Талабалар мустақил билими чет тилларини ўқитишда рағбатлантирувчи-ривожлантирувчи шахсий кўникмалари муаммоли топшириқлар бажариш

ҳамда уларнинг мантиқий-маъноли контекстини тушунишга қаратилган эвристик машқларни киритиш асосида такомиллаштирилган.

9.Натижалар қиёсидан кўринадикки, тажриба-синов ҳам назорат гуруҳларида ўртача баллар ошган, тажриба-синов гуруҳида бу баллар анчагина юқоридир. Тажриба-синов гуруҳида талабаларнинг катта қисми грамматик қобилияти ривожланганлигининг юқори даражасига ва қисман ўрта даражасига эришган. Бу иш йўналиши тўғри танланганлигидан далолат бериши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.2021.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УТАЕВА ПРОДА БАХОДИРОВА**

**РАЗВИТИЕ ГРАММАТИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНТНОСТЕЙ  
В ПРОЦЕССЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером за № В2022.1.PhD/Ped3050.**

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и информационном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ахмедова Лайло Толибжоновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ахмедова Нодира Мухторжоновна**  
доктор педагогических наук, PhD

**Ведущая организация:** **Джизакский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 года в “\_\_\_” часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.P.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu.kengash@edu.uz](mailto:tdpu.kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером \_\_\_\_\_). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu.kengash@edu.uz](mailto:tdpu.kengash@edu.uz)).

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол реестра под номером \_\_\_ от “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 года).

**М.Э.Хайдаров**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор  
**Р.Г.Исянов**

Секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В учебных заведениях мира внедряются в образовательный процесс механизмы креативного модуля развития грамматических компетенций студентов на основе самообразования. В США, России, Японии, Корее, Англии и Германии проводится системная работа по обеспечению свободного общения специалистов различных сфер на иностранных языках в своей профессиональной сфере, развитию преподавания иностранных языков через профессиональные компетенции, формированию гармоничности учебных программ, внедрению в практику крупных практических проектов. В принятой ЮНЕСКО концепции международного образования до 2030 года «формирование культуры чтения, укрепление навыков сотрудничества и интересов в общении»<sup>2</sup> рассматривается как актуальная задача.

В мировых образовательных и научно-исследовательских учреждениях проводятся научно-исследовательские работы по совершенствованию грамматических компетенций на основе иностранного языка, развитию самостоятельной познавательной деятельности в процессе обучения, развитию у студентов грамматических понятий, их профессиональной активности и инициативы, совершенствованию коммуникативных отношений между учителем и студентом, развитию грамматических понятий. При этом особое внимание уделяется научно-исследовательской работе по совершенствованию модели самостоятельного приобретения знаний студентами, уточнению содержания, форм и средств самостоятельной познавательной деятельности.

В последние годы в нашей республике создаются нормативные документы, направленные на широкое внедрение информационной среды, развитие у студентов таких качеств, как свободное и самостоятельное мышление, социальная активность, развитие личности, владеющей иностранными языками, развитой культурой общения и речи. Приоритетной задачей является "создание интенсивных курсов по обучению языку на уровне общения в высших учебных заведениях для студентов, желающих изучать язык"<sup>3</sup>. В связи с этим, на основе повышения уровня владения математической грамотностью, совершенствование преподавания иностранного языка следует за педагогическими возможностями исследований по созданию условий.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации Указа Президента Республики Узбекистан №ПП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, №ПП-5847 «Об утверждении Концепции развития высшего образования в Узбекистане до 2030 года» от 8 октября 2019 года Постановление №ПП-2909 «О мерах по

---

<sup>2</sup> Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 May, 2015, Incheon, Republic of Korea). 6 p. 26 p.

<sup>3</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 610 "О мерах по дальнейшему совершенствованию качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях" от 11 августа 2017 года

дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №5117 «О мерах по дальнейшему повышению качества обучения иностранным языкам» от 11 августа 2017 года и № 606 «О совершенствовании системы целевой подготовки высококвалифицированных научных и научно-педагогических кадров» от 19 июля 2019 года и других нормативных документов, относящиеся к этой деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** В нашей стране по вопросам обучения иностранным языкам работали Ю.Н.Абдуллаева, Л.Т.Ахмедова, А.Абдуазизов, Ж.Ж.Жалолов, Г.Н.Ирмухаммедова, Г.Т.Махкамова, С.А.Мисиров, Т.К.Сатторов, И.М.Тўхтасинов, Д.У.Хашимова; вопросы по ускорению обучения в высших учебных заведениях и использованию современных педагогических технологий в учебном процессе изучали А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Джўраев; об организационно-методических основах самостоятельного образования провели исследования П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, Р.Р.Хусаинов, Р.К.Чориев, О.А. Қўйсинов.

Подготовка педагогических кадров в процессе преподавания иностранных языков, то есть организация инновационной педагогической деятельности преподавателей иностранного языка, обучение студентов грамматике английского языка, формирование у студентов компетенций, связанных с культурологией, в процессе изучения английского языка изучали В.И.Андреев, И.Бим, Н.Д.Гальскова, Б.П.Есипов, А.А.Миролюбов, Н.Ф.Тализина, А.З.Усова, С.В.Федорова, И.Яковлева.

